



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 - Mart

4544 -son

Bog‘ot shaharchasi

Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласи ҳудудида жойлашган Боғот тумани ички ишлар бўлимига қарашли “3-сонли ички ишлар бўлинмаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Тумандаги Боғот тумани ички ишлар бўлими бошлиғи А.Абдуллаевнинг Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласида жойлашган “3-сонли ички ишлар бўлинмаси” биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 4 январдаги ШЯ-А-3671-сонли сўровномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2020 йил 29 декабрдаги 4156-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 7, 20, 29-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига асосланиб,

**Қ А Р О Р                    Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Ёш ўсмир” маҳалласи ҳудудида жойлашган жами 6 (олти) та хонадан иборат, жами ички ўлчами 164,55 квадрат метр, жами қурилиш ости майдони 204,68 квадрат метр, умумий ер майдони 1130,4 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу “3-сонли ички ишлар бўлинмаси” биноси “Боғот тумани ички ишлар бўлими”га тегишли эканлиги эътироф этилсин.

2. “Боғот тумани ички ишлар бўлими” бошлиғи (А.Абдуллаев)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу “3-сонли ички ишлар бўлинмаси” бино ва иншоотларини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев